



ADVANTAGES OF ELECTRONIC TRADE OF MEDICAL MEDICINES

Jalilov Omatjon Abduxalil o'g'li ¹

¹ Andijan Institute of Mechanical Engineering,

Master of Information Technology and Systems in Economics

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4753404>

ARTICLE INFO

Received: 1st May 2021

Accepted: 5th May 2021

Online: 10th May 2021

KEY WORDS

innovation, e-commerce,
innovative economy,
e-payment.

ABSTRACT

This article provides information on e-commerce systems of medical devices and their analysis

ТИББИЁТ ВОСИТАЛАРИ ЭЛЕКТРОН САВДОСИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Жалилов Оматжон Абдухалил ўғли ¹

¹ Андижон машинасозлик институти, Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги магистри

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 1-May 2021

Ma'qullandi: 5-May 2021

Chop etildi: 10-May 2021

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада тиббиёт воситаларининг электрон савдо тизимлари ва уларнинг тахлили ҳақида маълумот берилган.

KALIT SO'ZLAR

новаторлик, электрон
савдо, инновацион
иқтисодиёт, электрон
тўлов.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги муҳим масалалар ечимларини топишда инновациялар асосан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан тадбиқ этилади. Янги технологияларни, истеъмолчилар талабларини қондирадиган махсулотларни қидириш ва тадбиқ этиш, корхонани ривожлантириш мақсадида қўйиладиган масалалар биринчи навбатда, тадбиркорликнинг инновациявий фаоллик, новаторлик, изланувчанлик каби жиҳатларини амалда қўллаш орқали эришилади.

Шунинг учун миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш масалалари ечимини топишда биринчи навбатда, давлат ва хусусий мулк асосларида инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган тадбиркорлик фаолиятига ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида қаралиши лозим. Инновациявий иқтисодиёт – амалда тадбиқ этилган янгиликлар иқтисодий ўсишнинг асосини ташкил этган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятида инновацияларнинг кенг тадбиқ этилиши сабабли ижобий натижалар беришини белгилаб берса, инновация эса



тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг энг мухим йўналишларини аниқлаб беради.

Бугунги кунда ахборот коммуникация технологиялари хизматлари жамиятимизнинг барча жабҳаларига шиддат билан кириб келмоқда. Ахборот технологияларини жорий қилиш туфайли иш юритиш маданиятининг электрон кўриниши шаклланмоқда, масофа қисқармоқда, вақт тежалмоқда, ишимизда иқтисодий самара ошмоқда. Мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялари асосида янги турдаги банк хизматларини кўрсатиш, электрон тижорат, электрон тўловлар тизими ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш учун кенг шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Хўш, электрон тўлов ва тижорат тизимининг қандай афзалликлари бор? Унинг ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўлов операциялари тезкор бажарилади, буюртмачилар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик сифатли амалга оширилади. Қолаверса, тадбиркорларимиз замонавий ахборот технологиялари хизматларига эга бўлиб, сайёрамизнинг исталган давлатидан ўзларига ҳамкорлар топиши, маҳсулот ва хизматларини жаҳон бозорига олиб чиқишлари учун янги уфқлар очилади. Янги реалликларга мувофиқ қайта кўриб чиқилган ва янги таҳрирда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун банк тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун ҳуқуқий асосдир. Парламент томонидан “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши электрон тўловлар тизимини янги босқичга кўтарди.

Бугунги кунга келиб тўловлар бир неча сонияларда амалга оширилмоқда.

Электрон тўловлар тизими орқали бир кунда бир неча миллиард сўм миқдоридан 35-40 минга яқин тўлов ҳужжатлари ўтмоқда. “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг қабул қилиниши мазкур соҳанинг миллий иқтисодиётда муносиб ўрин эгаллашига сабаб бўлди. Натижада мамлакатимизда ахборот коммуникация технологиялари юқори даражада рақамлаштирилди, Интернетга уланиш тезлиги муттасил равишда ўсиб борди ва улардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратилди. Зеро, хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, электрон тижоратнинг ривожланишига Интернетдан фойдаланувчилар сони аҳолининг 20-25 фоизини ташкил этганда эришиш мумкин[15].

Бугунги кунда мамлакатимиз молия бозоридаги электрон тўлов тизимига молиявий муассасалар билан бир қаторда номолиявий муассасалар ҳам кириб келмоқда. Буларга “PayNet”, “Fast Pay”, “Moblis”, “E-karmon” хизмат кўрсатиш муассасаларини киритиш мумкин. Ушбу турдаги хизматларнинг қулайлиги шундаки, миқдорлар коммунал хизматлари, мобиль алоқа ва Интернет хизматлари ҳамда уй-рўзғор молларини Интернетдан фойдаланган ҳолда сотиб олишлари мумкин. Эътибор берайлик, электрон харидни амалга ошириш Давлат бюджети харажатларини 20-40 фоизга, тадбиркорлик субъектлари учун эса ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини 5-10 фоизга камайтириш имконини беради. Тежалган молиявий ресурслардан эса ишлаб чиқаришни кенг қўламли тараққий топтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадида фойдаланиш имкони пайдо бўлади.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Emma Riley, “Mobile money and risk sharing against village shocks”, November. 2014, <https://doi.org/10.1016/j.jdeveco.2018.06.015>.
2. “Online money transfer specialist Fonmoney taps into HooYu facial biometrics authentication”, [https://doi.org/10.1016/S0969-4765\(16\)30186-2](https://doi.org/10.1016/S0969-4765(16)30186-2), November. 2016.2-4.
3. WantingXiongHanFuYouguiWang, “Money creation and circulation in a credit economy”, 2017, Pages 425-437, <https://doi.org/10.1016/j.physa.2016.08.023>.